

**«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»  
«Hamkorbank» АТБ  
акциядорларининг  
2020 йил 19 марта  
Навбатдан ташқари умумий  
йиғилиши томонидан**

**Банк Кенгаши раиси**

**И.И.Ибрагимов**

**ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ  
“НАМКОРБАНК” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮҒРИСИДА”ГИ НИЗОМИГА  
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

<b>№</b>	<b>Амалдаги таҳрир</b>	<b>Янги таҳрир</b>
1.	Мавжуд эмас эди.	<p><b>25-бандга қуидаги таҳрирда янги 2-хатбоши киритилсин:</b></p> <p>«Марказий банк томонидан банк акцияларига эгалик қилишга рухсат бериш ва чеклашда ўрнатилган талабларни бузуб банк акцияларини сотиб олиш ҳолларида, бундай битим тузилган санадан бошлаб акцияларнинг эгаси банк Кенгашига номзодлар кўрсатиш хукукига эга бўлмайди».</p>
2.	24-бандга ўзгартириш киритилади.  «30 (ўттиз) кун»	<p><b>24-бандда «30 (ўттиз) кун» сўзи «60 (олтмиш) кун» сўзига ўзгартирилсин.</b></p>
3.	Мавжуд эмас эди.	<p><b>24-бандга янги таҳрирда қуидаги 2-хатбоши киритилсин:</b></p> <p>«Марказий банк предмети ёки мазмуни банк Кенгаши қўпчилик аъзоларининг хукукини амалга оширишдан иборат бўлган ҳар қандай тузилган келишув тўғрисида хабардор қилиниши зарур».</p>
4.	12-банд: Банк Кенгаши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига берилиши мумкин эмас.	<p><b>12-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:</b></p> <p>12. Банк Кенгашининг ваколатлари бажариш учун Банк Бошқаруви ва учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас, қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллар бундан истиносно.</p>
5.	3. Банк Кенгаши коллегиал бошқарув органи ҳисобланади ва Банк фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи, Қонун ва Банк Устави билан банк акциядорлар Умумий мажлиси (бундай кейин акциядорлар Умумий мажлиси) ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан истиносно.	<p><b>3-банд қуидаги янги таҳрирда баён этилсин:</b></p> <p>3. Банк Кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида назорат ва текшириш функциясини амалга оширади ва умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгар бўлади.</p>

6.	<p>4. Банк Кенгаши Банкнинг фаолиятини хавфсиз ва самарали тарзда олиб бориш мақсадларида уни назорат қиласи, шунингдек Банк хатарлари устидан тегишли назоратни таъминлайди. Банк Кенгаши аъзолари Банкда корпоратив бошқарувнинг Банк маданияти, Банкнинг назорат муҳити, узоқ муддатли мақсадлари ва стратегиясига мос бўлган изчил ва шаффоғ тизимини яратишга кўмаклашишлари зарур.</p>	<p><b>4-банд қўйидаги янги таҳрирда баён этилсин:</b></p> <p>4. Банк Кенгаши бошқарув фаолиятининг банкни самарали ва келажакни кўзлаб бошқариш, шу жумладан банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатлар ва мажбуриятларни тақсимлаш, манфаатлар зиддиятининг олдини олиш ва бартараф этишини таъминлайдиган ташкилий тузилмасини белгилайди ва унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.</p>
7.	<p><b>2-гапнинг 4-қисмига ўзгартириш киритилди:</b></p> <p>Банк Кенгаши аъзолари Банкда корпоратив бошқарувнинг Банк маданияти, Банкнинг назорат муҳити, узоқ муддатли мақсадлари ва стратегиясига мос бўлган изчил ва шаффоғ тизимини яратишга кўмаклашишлари керак.</p>	<p><b>4-бандга қўйидаги янги таҳрирда 2-хатбоши киритилсин:</b></p> <p>Банк Кенгаши аъзолари банкни оқилона корпоратив бошқаришга кўмаклашишлари ва ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажаришда Банк маданияти, Банкнинг назорат муҳити, банкнинг узоқ муддатли мақсадлари ва стратегиясига мувофиқ бўлган банк, омонатчилар ва акциядорларнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олишлари, шунингдек банкнинг Марказий банк билан самарали ҳамкорлигини таъминлашлари зарур.</p>
8.	<p>9-бандга янги хатбошилар киритилди.</p>	<p><b>9-бандга қўйидаги янги таҳрирда қўшимча киритилсин:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Стратегик мақсадлар, корпоратив бошқарув сиёсати, банкнинг бошқа ички сиёсатлари, шу жумладан банк хатарларини аниқлаш, бошқариш, мониторингини олиб бориш ва улар тўғрисида хабар бериш, банк капиталининг етарлилигини сақлаб туриш бўйича бошқа сиёсатларини тасдиқлаш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;</li> <li>• Активлар таснифи асосида яратиладиган активлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларга қарши захира шакллантиришни назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захиралари етарли даражада сақланишини таъминлаш;</li> <li>• манфаатлар зиддиятининг олдини олиш ва бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;</li> <li>• банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;</li> <li>• банк бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;</li> <li>• банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилишини назорат қилиш, шунингдек ҳар йил чорагида банк фаолиятининг натижалари тўғрисида банк бошқарувининг ҳисоботини эштиш;</li> <li>• банк бошқаруви аъзолари тақдим этган ахборот, таклифлар ва тушунтиришларни</li> </ul>

		<p>ўрганиш, муҳокама қилиш ва баҳslaшиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• фаолиятни бошқариш тизими, шу жумладан банкни бошқариш тамойиллари ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чоралар қабул қилиш мониторингини олиб бориш ва самарадорлигини даврий баҳолаш;</li> <li>• акциядорлар Умумий мажлисига йилда камида бир марта амалга оширилаётган назорат ва текширув фаолияти түғрисида ҳисобот тақдим этиш;</li> <li>• йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ва бухгалтерлик ҳисоби тизими ва м олиявий ҳисоботнинг яхлитлигини таъминлаш;</li> <li>• банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга ўрнатилган талабларни ҳисобга олган холда пруденциаль талабларга риоя қилинишини таъминлаш;</li> <li>• банкнинг ички ҳужжатлари билан ўрнатилган хатарларнинг чегаравий қийматлари ва капиталнинг адекватлиги риоя қилиниши, банкда қўлланиладиган хатарларни бошқариш процедураларининг самарадорлиги ва уларни қўлланишнинг кетма-кетлиги устидан назоратни амалга ошириш.</li> </ul>
9.	78-бандга янги хатбоши киритилади.	<p><b>78-бандга қўйидаги таҳрирда янги 19-хатбоши киритилсин:</b></p> <p>Улар фикр-мулоҳазаларнинг мустақиллиги талабларига риоя қилиши зарур;</p> <p><b>78-банднинг 19-хатбоши 20-хатбоши деб ҳисоблансин.</b></p>
10.	20-бандга янги хатбошилар киритилади.	<p><b>20-бандга қўйидаги таҳriрda янги хатбоши киритилсин:</b></p> <p>шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг Кенгаш аъзоси ҳисобланади ёки Кенгаш аъзоси бўлиш фикрида, ушбу банкларнинг битта банк гурухига кириши бундан истисно;</p> <p>шахснинг ваколати Марказий банкнинг талаби билан муддатидан олдин тўхтатилади.</p>
11.	<p>21-банд янги таҳriрda баён этилади.</p> <p>21. Банк Кенгashi аъзоси олий маълумотга, илмий даражада ёки унвонга эга бўлиши, шунингдек раҳбарлик лавозимида ёки фаолиятнинг молия, иқтисодиёт ёки илмий соҳаларида иш тажрибасига эга бўлиши керак.</p>	<p><b>21-банд қўйидаги янги таҳriрda баён этилсин:</b></p> <p>Банк Кенгashi аъзолари бенуқсон ишбilarmonlik обрўига, раҳбарлик лавозимида ёки фаолиятнинг молия, иқтисодиёт ёки илмий соҳаларида иш тажрибасига, банк хатарларини самарали бошқаришни таъминлаш учун зарур билим ва малакаларга, олий маълумотга, илмий даражада ёки унвонга, ўз ваколатлари доирасида асосланган қарорлар қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.</p> <p>Банк Кенгаш аъзоларининг банклар ва банк фаолияти түғрисидаги қонун талабларига доимий мослигини таъминлаши шарт.</p> <p>Марказий банк Кенгаш аъзолигига кўрсатиладиган шахслар номзодларини улар</p>

		лавозимиға киришишидан олдин келишади.
12.	Янги 84-банд киритилади.  <b>84-111-бандлар тегишлича 85-112-бандлар деб ҳисоблансан.</b>	<p><b>Қўйидаги таҳрирда янги 84-банд қўшилсин киритилсин:</b></p> <p>Банк қўйидаги ҳолларда Кенгаш аъзоларига мукофотлар тўлаш ҳукуқига эга эмас: пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар ушбу тақсимлаш натижасида бузиладиган; ушбу тақсимлаш натижасида тўловга қобил эмаслик (банкротлик) ёки тўловга қобил эмаслик (банкротлик) белгилари пайдо бўладиган;</p> <p>Марказий банкнинг бажарилиши шарт бўлган кўрсатмасини бажариш ёки унда кўрсатилган камчиликларни, шу жумладан ахборотни ошкор қилиш бўйича камчиликларни, бартараф этиш имконияти йўқ бўлган;</p> <p>Банкка Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисидаги талаби мавжуд бўлганда.</p> <p><b>84-111-бандлар тегишлича 85-112-бандлар деб ҳисоблансан.</b></p>
13.	97-бандга янги қисмлар киритилади.	<p><b>97-бандга қўйидаги таҳрирда янги 22-4 қисмлар киритилсин:</b></p> <p>Банк у билан боғлиқ шахслар билан битимларни фақат банк Кенгашининг қарори бўйича қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши мумкин. Агар шахс битим тузиш тўғрисидаги шартнома имзолангандан сўнг банк билан боғлиқ шахс бўлиб қоладиган бўлса, банк Кенгashi шахс банк билан боғлиқ шахс бўлган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида ушбу шартномани маъқуллаши ёки уни бекор қилиш тўғрисида фармойиш бериши керак.</p> <p>Кенгаш аъзоси Кенгаш мажлисида иштирок этмаслиги, банк билан ва у ёки у билан боғлиқ шахслар ўртасида тузиладиган ёки тузилган битим масаласи бўйича Кенгаш қарорига таъсир кўрсатишга уринмаслиги керак.</p> <p>Банк у билан боғлиқ шахслар билан битимларнинг алоҳида реестрини юритиши ва банк билан боғлиқ шахслар билан битимлар тузиш олдидан Марказий банкни хабардор қилиши шарт.</p>

